

Гозий, Мухаммадгозий (18-асрнинг 2-ярми — Кўкон — тахминан 1818) — шоир. Бухоро мадрасаларида ўқиган. Кўкондаги Мадрасаи Мирда мударрис, муфти бўлган. Акмал Хўкандининг якин дўсти. Ўзбек ва форс тилларида ижод килган. Фузулийни ўзига устоз билган. Шеърларининг мазмуни билан хам, дунёга, атроф-мухитга муносабатини кўрсатишда, бадиий санъатлардан фойдаланишда хам Фузулий йўли, услубини кўллаган. унинг газалларига мухаммаслар bogлагan. Кўпроқ лирик газаллар, таърих-шеърлар ёзган, девон тузган. Лирик шеърларида инсон калбининг кечинмаларини, орзу-истакларини, кувонч ва кайгуларини куйлаган, чин инсоний мухаббат, гўзаллик ва садокат, инсонпарварлик ва адолатпарварликни улуглаган. Гозий шеърлари 18-асрнинг 2-ярми — 19-аср бошларида ижтимоий хаётнинг хакконий манзарасини кўрсатишга, адабий хаётда мавжуд бўлган турли йўналишларнинг моҳиятини тўларок ёритишга хизмат килади. Ижтимоий лирикасида эса ўша даврда хукм сурган адолатсизликдан, хаксизликдан, баҳтсиз толеидан шикоят килади («Букулди коматим...», «Девонамен...» ва б.). Таърих-шеърлари асосан рубой тарзида ёзилган бўлиб, кўпчилиги шахар аъёнлари. Йирик амалдорларнинг вафотига багишлиланган. Дидактик мавзудаги асарларида инсон фазилатларини юкори тутиш, хаётла камтар бўлиш, инсон кадрини ерга урмаслик, ўз кадр-кимматини саклаш зарурлиги таъкидланган. Анъанавий «ширу шакар» усулида мусаддас ва мустазод-таржеъбандлар хам ёзган; мустазодларининг айримлари оригинал усулда ёзилган.

Гозий девонининг 4 кўлёзма нусхаси бизгача етиб келган, улар Ўзбекистон Фанлар Академияси Шаркшунослик институтида (инв. №121, 6117, 2296, 11) ва Россия Фанлар Академияси Шаркшунослик институти Санкт-Петербург бўлими (инв. №109) да сакланади.

Бегали Косимов

Киши олдидаги овкатга кул чўзма,
Ўз олдингдаги овкатни егин, эй зариф.

* * *

Бўлма коми нафс учун хар сифланинг олдида паст,
Обрўсизлик юкин чекмакка миздур ўлмагил.

* * *

Масти икбол ўлма, идбори била оғритма бош,
Тотмагил бу бодани, зинхор маҳмур ўлмагил.